

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:  
№БД 5510700 – 3.22  
2021 йил “04” 06

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
121-сонли буйруғи  
2021 йил “04” 06



**КАСБИЙ ПСИХОЛОГИЯ. КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА  
МОДУЛИ ДАСТУРИ**

<b>Билим соҳаси:</b>	500000	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
<b>Таълим соҳаси:</b>	510000	Соғлиқни сақлаш
<b>Таълим йўналиши:</b>	5313000	Биотиббиёт мухандислиги

## **Тошкент –2021**

### **Тузувчилар:**

Шойимова Ш.С.

ТошПТИ Фуқаролик жамияти, педагогика ва психология кафедраси доценти, п.с.ф.н.

Кадирова М.Р.

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Педагогика ва жисмоний маданият кафедраси мудири, педагогика бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Эргашева Ш.П

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Педагогика ва жисмоний маданият кафедраси ўқитувчиси

### **Такризчилар:**

Ўринова Н.М.

Фарғона давлат университети, “Педагогика” кафедраси доценти.

Ахмедова Н.Д

АДМИ, “Ўзбект тили ва адабиёти” кафедраси доцент, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Модул дастури Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида ишлаб чиқилди.

Модул дастури Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “8” январдаги “6” – сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги “3” – сонли баённома билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги “121” – сонли буйруғининг 1 – иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

## **1. Ўқув модулининг долзарбилиги ва олий таълимдаги ўрни**

“Касбий психология. Касбий педагогика” модули 2-курсда ўқитилади. Ушбу модул бўлажак биотибиёт муҳандислиги мутахассисларини тайёрлашда талабаларга касбий таълим жараёнини ташкил қилиш, касбий психология, касбий педагогиканинг умумий масалалари, касбий фаолият самарадорлигини таъминлашда шахсий фазилатларнинг роли, касбий таълим фаолияти ва унга қўйиладиган замонавий талаблар, шахслараро муносабатлар, педагогик-психологик муаммоларни комплекс ўргатишга қаратилган.

Модулни ўқитиш учун психология, педагогика, тиббиётда ахборот технологиялари, тиббий биология умумий генетика, умумий ва тиббий радиология тиббиёт техникаси модуллари замин хисобланади, шунингдек, ўз йўналиши бўйича ўрта маҳсус касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятини юритиш жараёнига замин бўлиб хизмат қиласади.

Модул дастури тиббий таълим соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти, Биотибиёт муҳандислиги бакалавриат таълим йўналишининг Малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Мазкур модул дастури мавзулари тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриат босқичи клиника олди модулларининг дастур мавзулари билан узвий боғлик ҳолда яратилади.

## **2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари**

**2.1.Модулнинг мақсади** – талабаларда касбий психология, касбий педагогиканинг илмий-назарий ва амалий асослари, касбий психологиянинг умумий масалалари, касбий фаолият самарадорлигини таъминлашда шахсий фазилатларнинг роли, унга қўйиладиган замонавий талаблар, шахслараро муносабатлар, педагогик-психологик муаммолари, касбий таълим тараққиёти, Ўзбекистонда профессионал таълим истиқболлари, хорижий давлатларнинг илғор таълим тажрибаларидан фойдаланиш, касбий таълим жараёнини ташкил қилиш, ҳақида билим ва қўникмаларни шакллантиришdir.

### **2.2.Модулнинг вазифалари:**

- талабаларни касбий психологиянинг умумий масалалари билан таништириш;
- касб танлаш, касбга йўналтириш, касбий камолотга доир психологик концепциялар билан таништириш;
- касбий фаолият самарадорлигини таъминлашдаги шахсий фазилатлар, унга қўйиладиган замонавий талаблар билан таништириш;
- касбий таълим фаолиятини ташкил этишда самарали шахслараро муносабатлар усуллари ва коммуникатив толерантликни ўргатиш, конфликтлар ва уларнинг олдини олиш йўллари билан таништириш;

- касбий сўниш, касбий деформация ва касбий деструкцияларни бартараф этиш ва олдини олишнинг психологик методика ва усулларини ўргатиш;
- касбий таълим фаолияти психодиагностикаси;
- касбий педагогиканинг илмий-назарий ва амалий асослари, умумий масалалари, касбий таълим тараққиёти, Ўзбекистонда профессионал таълим истиқболлари билан танишириш;
- хорижий давлатларнинг илғор таълим тажрибаларидан фойдаланиш хусусиятлари билан танишириш;
- касбий таълим жараёнини ташкил қилиш хусусиятлари билан танишириш.

### ***2.3.Модул бўйича талабаларнинг билим ва қўникмаларига қўйиладиган талаблар:***

**Талаба:**

- касбий психологиянинг умумий масалалари, касбий фаолият самарадорлигини таъминлашда шахсий фазилатларнинг роли, касбий таълим фаолияти ва унга қўйиладиган замонавий талаблар, касбий таълим фаолиятида шахслараро муносабатлар, касбий таълим фаолиятининг психологик муаммолари, касбий педагогиканинг илмий-назарий ва амалий асослари, касбий таълим тараққиёти, Ўзбекистонда профессионал таълим истиқболлари, хорижий давлатларнинг илғор таълим тажрибаларидан фойдаланиш, касбий таълим жараёнини ташкил қилиш ҳақида ***тасаввурга эга бўлиши;***
- касб танлаш, касбга йўналтириш, касбий камолотга доир психологик концепциялар; касбий фаолият самарадорлигини таъминлашдаги шахсий фазилатлар; касбий таълим фаолияти ва унга қўйиладиган замонавий талаблар; касбий таълим фаолиятини ташкил этишда самарали шахслараро муносабатлар усуллари; касбий таълим фаолиятида юзага келадиган конфликтлар ва уларнинг олдини олиш йўллари; касбий таълим фаолиятининг психологик муаммолари ва уларнинг бартараф этиш йўллари; касбий таълим фаолияти психодиагностикаси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган мақсад ва вазифалар, Ўзбекистонда профессионал таълим тизимидағи ислоҳотлар; ривожланган давлатларнинг илғор таълим тажрибаларини ва ЎзРнинг касбий таълим тизимида хориж тажрибаларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш; касбий таълим назарияси, касбий таълимда ўқитишни ташкил қилиш хусусиятларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- касбий фаолиятда педагогик-психологик билимлардан фойдаланиш, касбий таълим фаолиятидаги муҳим касбий ва шахсий сифатлар, қобилиятларни

шакллантириш; касбий таълим фаолиятини ташкил этишда самарали шахслараро муносабатлар усулларидан фойдаланиш, коммуникатив толерантликни шакллантириш; касбий таълим фаолиятида юзага келадиган конфликтларни тўғри англай олиш, низоли вазиятларда мақбул позицияни танлай олиш, уларни конструктив ҳал эта олиш; касбий сўниш, касбий деформация ва касбий деструкцияларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда олдини олиш; касбий таълим фаолиятининг психодиагностик методикаларини қўллаш, психологик тренинг машғулотларини ташкил қилиш; касбий таълим машғулотларини режалаштиришда таълим-тарбия усуллари ва дидактик воситаларни тўғри танлай олиш; касбий таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлай олиш; мавзу мақсадига кўра турли хил назорат вазифалари ва топширикларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллай олиш каби **кўнилмаларга эга бўлиши керак**.

### **3. Асосий қисм**

**3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

**1-мавзу. Касбий психологияга кириш. Касбий психологиянинг умумий масалалари**

Касбий психологиянинг предмети, мақсади, вазифалари ва методлари. Касбий психология фанининг шаклланиш тарихи. Касб тушунчаси ва касбларни психологик таснифлаш. Касб танлашга йўллашнинг умумий масалалари ва унинг психологик моҳияти. Касбий профессиограмма ва унинг психологик мазмуни. Шахснинг касбий шаклланиш жараёни ва босқичлари (Е.А.Климов бўйича) Касбий фаолият психодиагностикаси.

**2-мавзу. Касбий фаолият самарадорлигини таъминлашда шахсий фазилатларнинг роли**

Ёшларда ўқув ва касбий мотивацияни ривожлантириш масалалари. Касб ва қизиқиши. Қизиқишининг касб танлашдаги ўрни ва касбни эгаллашдаги аҳамияти. Шахснинг билиш жараёнлари, характеристи, темпераменти, қобилияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўллаш муаммоси. Ёшларни касбга йўллашда уларнинг ҳис-туйғулари ва иродаларини ҳисобга олиш. Касбий фаолият самарадорлигини таъминлашда шахсий фазилатларнинг роли.

**3-мавзу. Касбий таълим фаолияти ва унга қўйиладиган замонавий талаблар**

Касбий-педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари. Педагогик фаолият Е.А.Климовнинг касблар тузилмасидаги “инсон-инсон” йўналишига хос эканлиги. Педагогик фаолият тузилиши (А.К.Маркова, Л.Д.Столяренко

бўйича). Педагогик фаолият мотивацияси. Касбий-педагогик фаолият маҳсулдорлиги даражалари (Н.В.Кузьмина). Педагог эгаллаши лозим бўлган малакалар (А.К.Маркова). Педагогик қобилияtlар. Педагогнинг муҳим касбий сифатлари картаси (В.П.Симонов). Педагогнинг касбий ўз-ўзини англаши. Педагог шахсий сифатларининг касбий аҳамияти. Педагог фаолиятининг индивидуал услублари.

#### **4-мавзу. Касбий таълим фаолиятида шахсларо муносабатлар**

Педагогик мулоқотнинг психологик асослари. Мулоқот касбий таълим фаолиятининг асосий категорияси сифатида. Мулоқот моҳияти, функциялари ва даражалари. Касбий - педагогик мулоқот ва унинг ўзига хос хусусиятлари, тузилишлари. Касбий позициялар ва педагогик мулоқот услублари. Ўқитувчининг касбий позицияси типологияси (М.Тален). Педагогик мулоқот услублари класификацияси (В.А.Кан-Калик). Мулоқотдаги психологик қийинчиликлар, уларнинг класификацияси, намоён бўлиш хусусиятлари. Мулоқотдаги психологик қийинчиликлар класификацияси (А.А.Рояк). Мулоқотдаги қийинчиликлар омиллари (Ю.М.Орлов). Касбий-педагогик мулоқот тўсиклари. Касбий таълим фаолиятида конфликтлар. Педагогнинг коммуникатив толерантлиги. Шахсларо мулоқотнинг умумий тамойиллари. Мулоқотнинг самарали усувлари.

#### **5-мавзу. Касбий таълим фаолиятининг психологик муаммолари**

Касбий деструкция ва деформация шифокор-педагог фаолиятининг психологик муаммолари сифатида. Касбий деформацияда мутахассис фаолият структураси ва шахсий хусусиятларининг ўзгариши, меъридан оғиши кузатилиши. Педагог деформациялари (Э.Ф.Зеер, Э.Э.Симанюк). Педагог шахсининг касбий деформация типлари (Е.И.Рогов). Касбий деформация ва педагог компетентлиги. Касбий деструкцияларнинг ривожланишига сабаб бўладиган барча омилларнинг турли-туманлигини (Э.Э.Симанюк). Шахсада касбий деструкция ривожланиши тенденциялари (А.К.Маркова). Касбий сўниш касбий фаолиятни самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омил эканлиги. Касбий сўниш омиллари.

### **3.2. Модулдаги амалий машгулотлар мавзулари, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

#### **3.2.1. Амалий машгулотларнинг мавзулар рўйхати:**

##### **1. Касбий психологиянинг умумий масалалари**

**1-мавзу.** Касбий психологиянинг предмети, мақсади, вазифалари. Касбий психология меҳнат психологияси, муҳандислик психологияси, ёш даврлари психологияси ва педагогик психология соҳалари билан ўзаро боғлиқлиги ва фарқлари. Касбий психологиянинг методологик асослари ва методлари.

Касбий психология фанининг шаклланиш тарихи.

## **2. Касбий психологияда шахс муаммоси**

**1-мавзу.** Шахснинг тараққиёт босқичлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Шахснинг касбий камолоти. “Шахс етуклиги” тушунчасининг мазмун ва моҳияти. Шахс профессионаллашуви - динамик жараён сифатида. Касбий шаклланганлик ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи омил сифатида. Компетентлик тушунчаси. Касбий сифатларнинг шаклланиши. Касбий идентификация.

**2-мавзу.** Шахсда касбий ўзликни англашнинг психологик хусусиятлари. “Мен” образининг компонентлари ва унинг шахс ўз ўзини тарбиялаш ҳамда касбий ривожлантиришдаги ўрни. Шахс шаклланишининг турли босқичларида касбий ўзликни англаш. Касбий ўзликни англашдаги зиддиятлар (инқирозлар). Шахс касбий шаклланиши жараёнидаги инқирозлар. Ўқув-касбий ва касбий фаолиятлардаги инқирозлар. Касбий инқирозни енгигиб ўтиш варианлари.

## **3. Касбий таълим фаолияти психологияси**

**1-мавзу.** Касбий таълим фаолиятининг психологик хусусиятлари. Педагогик фаолият Е.А.Климовнинг касблар тузилмасидаги “инсон-инсон” йўналишига хос эканлиги. Касбий таълим фаолияти тузилиши (А.К.Маркова, Л.Д.Столяренко бўйича). Касбий таълим фаолияти мотивацияси. Касбий-педагогик фаолият маҳсулдорлиги даражалари (Н.В.Кузьмина).

**2-мавзу.** Касбий таълим педагоглари эгаллаши лозим бўлган малакалар (А.К.Маркова). Педагогик қобилиятлар ва уларнинг турлари. Педагогнинг муҳим касбий сифатлари картаси (В.П.Симонов). Педагогнинг касбий ўз-ӯзини англаши. Педагог шахсий сифатларининг касбий аҳамияти. Касбий таълим педагоглари фаолиятининг индивидуал услублари.

## **4. Касбий таълим фаолиятида шахсларо муносабатлар**

**1-мавзу.** Касбий таълим мулоқотининг психологик асослари. Мулоқот касбий таълим фаолиятининг асосий категорияси сифатида. Мулоқот моҳияти, функциялари ва даражалари. Касбий - педагогик мулоқот ва унинг ўзига хос хусусиятлари, тузилишлари. Касбий позициялар ва педагогик мулоқот услублари. Ўқитувчининг касбий позицияси типологияси (М.Тален). Педагогик мулоқот услублари класификацияси (В.А.Кан-Калик).

## **5. Касбий педагогик фаолиятнинг психологик муаммолари**

**1-мавзу.** Касбий деструкция ва деформация шифокор-педагог фаолиятининг психологик муаммолариси сифатида. Касбий деструкция омиллари ва турлари. Педагог деформациялари (Э.Ф.Зеер, Э.Э.Симанюк). Педагог шахсининг касбий деформация типлари (Е.И.Рогов). Касбий деформация ва педагог компетентлиги. Касбий деструкцияларнинг

ривожланишига сабаб бўладиган барча омилларнинг турли-туманлигини (Э.Э.Симанюк). Шахсда касбий деструкция ривожланиши тенденциялари (А.К.Маркова).

## **6. Касбий педагогиканинг илмий-назарий ва амалий асослари**

**1-мавзу.** Касбий педагогика фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, касбий таълим тараққиёти, касбий педагогиканинг асосий тушунчалари, илмий-тадқиқот методлари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги, Ўзбекистонда профессионал таълим муаммолари ва истиқболлари, ЎзРининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва касбий таълим.

**2-мавзу.** Касбий таълим мазмуни, касбий таълимнинг меъёрий хужжатлари: ДТС, малака талаблари, ўқув режаси, фан дастури, дарсликлар, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат классификатори.

## **7. Хорижий таълим тажрибалари**

**1-мавзу.** Касбий таълим тизимида ривожланган давлатларнинг илфор тажрибаларини ўрганиш бўйича қиёсий изланишлар олиб бориш, изланишларнинг асосий йўналишлари, АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Франция, Финляндия, Италия, Корея, Япония, Хитой ва Хиндистон давлатларининг касбий таълим тизими, ҳамдўстлик мамлакатлари ва Россиянинг касбий таълим тизими, қиёсий таҳлил натижалари асосида Республикамизда касбий таълимнинг ривожланиш омиллари.

## **8. Касбий таълим жараёнини ташкил қилиш**

**1-мавзу.** Касбий таълимни ташкил этиш усуллари, шакллари ва воситалари, касбий таълим тамойиллари, таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти ва ўзлаштириш жараёни, унинг даражалари ва самарадорлик кўрсаткичлари.

**2-мавзу.** Касбий таълимда замонавий дарс турлари, таълим олувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этиш, касб таълимида ахборот коммуникацион технологиялари воситаларидан фойдаланиш.

**3-мавзу.** Ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш. Тестология ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Касбий таълимда талабаларни мотивлаштириш ва фаоллаштириш.

### **3.2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гурухга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказиша қўйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аник белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш ва х.к.

**3.2.3. Модулни ўқитии давомида эгалланадиган амалий қўникмалар ва компетенциялар:**

**Модул давомида эгалланадиган амалий қўникмалар рўйхати:**

1. Касбий фаолиятда педагогик-психологик билимлардан фойдаланиш, муҳим касбий ва шахсий сифатлар, қобилиятларни шакллантириш;
2. Касбий таълим фаолиятини ташкил этишда самарали шахслараро муносабатлар усулларидан фойдаланиш, коммуникатив толерантликни намоён қилиш;
3. Касбий таълим фаолиятида юзага келадиган конфликтларни тўғри англай олиш, низоли вазиятларда мақбул позицияни танлай олиш, уларни конструктив ҳал эта олиш;
4. Касбий сўниш, касбий деформация ва касбий деструкцияларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда олдини олиш;
5. Касбий таълим фаолиятининг психодиагностик методикаларини қўллаш, психологик тренинг машғулотларини ташкил қилиш.
6. Касбий таълим машғулотларини режалаштиришда таълим-тарбия усуллари ва дидактик воситаларни тўғри танлай олиш;
7. Касбий таълим мазмунини белгиловчи меъёрий хужжатлар билан ишлай олиш;
8. Машғулот мавзуси мақсадига кўра турли хил назорат вазифалари ва топшириқларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллай олиш;

**Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:**

- УК 1<sup>1</sup>. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;
- УК 2. Амалий вазиятларда билимларни қўллаш, янги шароитга адаптация қилиш, ностандарт вазиятларда харакат қилиш қобилияти;
- УК 3. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишига, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;
- УК 4. Асосланган қарорлар қабул қилиш, жамоада ишлаш, шахслараро коммуникация қилиш қобилиятлари;

УК 5. Ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдалана олиш қобилияти;

УКК 1. Касбий таълим фаолияти учун муҳим касбий ва шахсий сифатларни ҳамда касбий фикр юритиш қобилиятини шакллантиришга тайёрлик;

УКК 2. Касбий таълим жараёнини ташкил этишда ҳамда касбий ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ривожлантириш, касбий билим, кўникма, малакаларни эгаллашда педагогик-психологик билимлардан фойдаланиш;

УКК 3. Касбий таълимда замонавий талаблар асосидаги ўқув-билиш фаолиятини режалаштириш ва лойиҳалаштиришга тайёрлик;

УКК 4. Касбий таълим фаолиятида психологик муаммоларни ҳал қилиш, олдини олиш, мулокотнинг самарали усуллари ва воситаларини кўллашга тайёрлик;

УКК 5. Касбий таълим фаолиятининг психодиагностик методикаларини кўллаш ва психологик тренинг машғулотларини ташкил қилишга тайёрлик.

**Модулдавомида амалий машғулотни ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

Талабаларнинг амалий машғулоти хоналарда ўтказилади. Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва 1 ёки 2 босқични ўз ичига олади:

1. Кириш қисми – машғулотнинг мақсади ва вазифалари аниқланади, ўрганилаётган кўникмадан фойдаланишнинг мотивацион асоси, унинг назарий жиҳатлари мухокама қилинади.

2. Кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш – бунда кўникмани босқичларга тўғри тақсимлашга алоҳида эътибор қаратилади. Тескари алоқани олгунга қадар, яъни ўрганаётган шахс мустақил, бироқ педагог назорати остида бажара олганда, кўникмани бажаришнинг барча босқичларини умумлаштириш, кўп марта машқ қилиш ва факат кўникмага эга бўлгандан сўнг психологик-педагогик хатти-ҳаракатларни амалда кўллагунча, ҳар бир босқич намойиш қилинади ва ишлаб чиқилади.

3. Хулоса – ўрганаётган шахс билан ушбу кўникманинг аҳамиятини мухокама қилиш ва уни турли вазиятларда қўллаш. Сўров асосида бирламчи бўғиннинг мақсади ва вазифаларига эришилганлигига ишонч ҳосил қилиш. Ўқитиш жараёнида юзага келган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш.

Талабаларда бажарилаётган амаллар алгоритми мавжуд бўлиши лозим. Ўқитувчи назорат қиласи ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғрилайди. Тараба ўзининг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради. Интерфаоллик шунда

<sup>1</sup>УК- умумий компетенция

<sup>2</sup>УКК- умумий касбий компетенция

намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишига ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашга тайёр бўлишлари лозим.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлик даражасини баҳолайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вактда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади.

#### **4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар**

##### **4.1. Мустақил таълим учун тавсия этилган мавзулар:**

1. Касбий таълимнинг долзарб педагогик муаммолари.
2. Ривожланган давлатларнинг илғор таълим тажрибалари (айrim мамлакатлар мисолида).
3. Касбий педагогикада таълим жараёни ва дидактик тамойиллар.
4. Касбий таълимда ўқитувчининг педагогик маҳорати ва касбий компетенцияси.
5. Интерфаол таълим усулларининг педагогик-психологик асослари.
6. Замонавий ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.
7. Педагогик диагностика. Ўзлаштиришни назорат килиш ва баҳолаш хусусиятлари.
8. Касбий фаолиятни психологик баҳолаш методикалари таҳлили.
9. Касб танлашга йўллашнинг психологик муаммолари.
10. Касбий мослик ва шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари.
11. Профессиограмманинг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари.
12. Касбий маслаҳатнинг психологик асослари, турлари ва уларнинг мазмуни.
13. Шахсни комплекс ўрганишнинг психодиагностик методикалари.
14. Шахснинг қизиқишилари ва лаёқати. “Қизиқишилар харитаси”.
15. Психологик тренинг машғулотларини ташкил қилиш масалалари.

##### **4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:**

Модул бўйича тавсия этилаётган мустақил ишлар турли хил кейс, тақдимот, рефератив доклад, органайзерлар, вазиятли масала ва кроссвордлар шаклида амалга оширилади.

##### **4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар аудиториядан ташқарида ўтказилади.

Талаба мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан

фойдаланилади:

- мавзулар бўйича таянч конспект, рефератив доклад, тақдимоттайёрлаш;
- график органайзерлар ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустакил ўзлаштириш;
- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида маҳсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маъruzалар қилиш, мақола ҳамда тезис ёзиш;
- фан олимпиадалари, танловлари, кўргазма ва анжуманларда иштирок этиш;
- кроссвордлар тузиш ва ечиш;
- видеороликлар тайёрлаш ва б.;

*Касбий психология. Касбий педагогика модули бўйича курс иши режада кўзда тутилмаган.*

### **Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари**

Касбий психология. Касбий педагогика модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- оралиқ назорат (ОН);
- якуний назорат (ЯН).

Модулга ажратилган 1,5 кредитни талаба ЖН давомида йигади якунида синовли вазифани топширади.

#### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)**

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Модул бўйича жорий назорат оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, вазиятли масалалар шаклларида ўтказилади.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси

хисобга олинади.

Хар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Жорий назоратда талаба ажратилган кредитни тўлиқ тўплаши шарт, шундагина у ЯНГа киритилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки хафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Цикл якунида модул бўйича жорий назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор хисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

### **Модул бўйича талаба рейтинги қўйидагича аникланади:**

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи			Баҳо	Таърифи
86-100	A	"аъло" – аъло натижа, минимал хатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чукур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; муаммоли саволларни аниклаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;	модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичida илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;	5	аъло

			<p>қила олиш қобилиятини күрсата олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва бўлгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;</p> <p>модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;</p> <p>модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;</p> <p>назарийва амалий машғулотларда бутун цикл мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гурухли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
81-85	B	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаникликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва қасбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўкув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил</p>	4	яхши

			<p>равища түлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жихатдан) ва компетенцияларни түлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-хукуқий хужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда түғри (лекин доим ҳам рационал әмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун цикл мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	
71-80	C	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чукур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан түғри, стилистик саводли равища ифодалаши;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаникликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичida илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда хал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўкув дастури доирасида мустақил хал қила олиши;</p>	

			<p>амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-хуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун цикл мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;</p>		
60-70	D	"қониқарли " – суст натижа, қўпол камчиликла р билан	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим хажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айrim хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айrim маҳсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо хатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил, аммо хатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва</p>	3	Кони қарли

			<p>уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	
55-59	E	"ўрта" – минимал натижага тенг	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида кониқарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айrim қўпол ҳатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айrim маҳсус қўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва ҳатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий қўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жихатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлик бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда</p>	

			етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
31-54	FX	"қониқарси з" – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида факат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; илемий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини хатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида хам тўғрилай олмаса.	2	Қониқарсиз
0-30	F	"мутлоқ қониқарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида факат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини хатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида хам тўғрилай олмаса.		

### ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯНда талабанинг билим ва кўникмалари модулнинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯН модул бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг ўтказилади. ЯНда саралаш балини (55 балл) йиға олмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштиргмаган деб ҳисобланади (ЖНда кредитни тўлиқ йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний

назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишини бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Цикл якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан З (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида холосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

## **5. Асосий ва қўшимча ўқувадабиётлар ҳамдаахборотманбалари**

### ***5.1. Асосий адабиётлар***

1. Умаров Б.М., Шойимова Ш.С. Касбий психология. Дарслик. Тошкент. 2018 й.
2. Зеер Э.Ф. Психология профессий. Учебное пособие. Москва. 2005 г.
3. Kadirova M.R, Ergasheva Sh.P, Ilhomova I.N Kasbiy pedagogika. O'quv qo'llanma. Farg'ona 2021 у
4. Ронжина Н.В., Васильев С.В. Основы профессиональной педагогики [Электронный ресурс]: учебное пособие, под науч. ред. Романцева Г.М. Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2017.

### ***5.2. Қўшимча адабиётлар***

1. Безносов С.П. Профессиональная деформация личности. СПб.: Речь. 2004 г.

2. Жалилова С.Х., Хайдаров Ф.И., Халилова Н.И. Касб психологияси. Ўқув қўлланма. ТДПУ. 2010 й.
3. Зеер Э.Ф. Психология профессий. Учебное пособие. Москва. 2008 г.
4. Зеер Э.Ф. Психология профессиональных деструкций, Учебное пособие. Москва. 2005 г.
5. Ильин Е.П. Психология для педагогов, Учебное пособие. Питер. 2012 г.
6. Камардина Г.Г. Психологические трудности общения: основы психотехнологии, Учебное пособие. Ульяновск. 2000 г.
7. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Учебное пособие. Москва. 2004 г.
8. Москвина Н.Б. Профилактика профессиональных деформаций учителя, Учебное пособие. Москва. 2018 г.
9. Целуйко В.М. Психологические основы педагогического общения. Пособие. Москва. 2007 г.
- 10.Фозиев Э.Ғ., Мамедов К.Қ. Касб психологияси, Дарслик.Тошкент. 2003 й.
- 11.Шойимова Ш.С. Мулоқот психологияси, Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент. 2017 й.
- 12.Шойимова Ш.С. Шахс психологияси, Ўқув қўлланма. Тошкент. 2017 й.
- 13.Ҳакимова М.Ф. Касбий педагогика. Ўқув қўлланма. Тошкент. ТДИУ. 2007 й.
- 14.Пахратдинова Р. Касбий таълим педагогикаси. Маъruzалар матни. Нукус, 2009 й.
- 15.Касбий педагогика. Маъruzалар матни. Тузувчилик: Толипов Ў.Қ., Баракаев М., Шарипов Ш.С.Тошкент . 2003 й
- 16.Батышев С.Я., Новиков А.М. Профессиональная педагогика. Ассоциация «Профессиональное образование». Москва. Из-воЭГВЕС. 2010 г.
- 17.Сковородкина И.З., Герасимов С.А. Общая и профессиональная педагогика. Архангельск. САФУ. 2014 г.
- 18.David D.Luxton. Professional Psychology. Research and Practice Artificial Intelligence in Psychological Practice. Current and Future Applications and Implications. Online First Publication. 2013y.
- 19.Trierweiler S.J., Stricker G. The scientific practice of professional psychology. NewYork. 1998y.
- 20.Coble, R (2015). Pedagogy for Professional Schools and Students. Vanderbilt University Center for Teaching. Retrieved [todaysdate] from <https://cft.vanderbilt.edu/guides-sub-pages/pedagogy-for-professional-schools-and-students/>

### **5.3.Интернет сайлари**

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz) – ОЎМТВ расмий сайти
2. [www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz) – таълимий портал
3. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz) - Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси сайти.
4. [www.istedod.uz](http://www.istedod.uz) – ЎзР Президенти ҳузуридаги “Истеъод” жамғармаси портали.
5. [www.inetlibrary.com](http://www.inetlibrary.com). – Интернет кутубхона

## **КАСБИЙ ПСИХОЛОГИЯ. КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА МОДУЛИ СИЛЛАБУСИ**

<b>Касбий психология. Касбий педагогика</b>					
Модулнинг тўлиқ номи					
Модул коди:	Кредит ҳажми: умумий – 1,5 кредит Шундан: ЖН – 1,5 кредит: ЯН - 0 кредит (мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 3-семестр	ECTS value: 5		
Таълим йўналиши	5313000 Биотиббиёт муҳандислиги	2 босқич бакалаврлари			
Модулнинг давомийлиги	14кун				
Ўқув соатлари ҳажми:	Жами соат: Шунингдек: маъруза амалий машғулот мустақил таълим	54 10 26 18			
Ўқув модулининг статуси	Клиник модуллар блоки				
ОТМ номи, манзили					
Кафедра номи					
Мазкур курснинг ўқитувчилари хақида маълумот	Маъruzachilarning Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчilarning Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:			
Машғулот вақти ва жойи					
Модулнинг мазмуни	Касбий психология. Касбий педагогика модули бўлажак мутахассисни тайёрлашда талабаларга касбий психологиянинг умумий масалалари, касбий фаолият самарадорлигини таъминлашда шахсий фазилатларнинг роли, касбий таълим фаолияти ва унга қўйиладиган замонавий талаблар, касбий таълим				

	фаолиятида шахслараро муносабатлар, касбий таълим фаолиятининг психологик муаммоларини касбий педагогиканинг илмий-назарий ва амалий асослари, касбий таълим тараққиёти, Ўзбекистонда профессионал таълим истиқболлари, хорижий давлатларнинг илғор таълим тажрибаларидан фойдаланиш, касбий таълим жараёнини ташкил қилишни комплекс ўргатишга қаратилган
Пререквизитлар	клиника олди модуллари психология, педагогика, анатомия, физиология
Постреквизитлар	тиббиётда ахборот технологиялари, тиббий биология умумий генетика, умумий ва тиббий радиология тиббиёт техникаси
Модулнинг мақсади	талабаларда касбий психологиянинг умумий масалалари, касбий фаолият самарадорлигини таъминлашда шахсий фазилатларнинг роли, унга қўйиладиган замонавий талаблар, шахслараро муносабатлар, касбий таълим фаолиятининг психологик муаммолари, касбий педагогиканинг илмий-назарий ва амалий асослари, Ўзбекистонда профессионал таълим истиқболлари, хорижий давлатларнинг илғор таълим тажрибаларидан фойдаланиш, касбий таълим жараёнини ташкил қилиш ҳақида билим, қўникма ва малакаларни шакллантириш
Модулнинг вазифалари	Талабаларни касбий психологиянинг умумий масалалари, касб танлаш, касбга йўналтириш, касбий камолотга доир психологик концепциялар, касбий фаолият самарадорлигини таъминлашдаги шахсий фазилатлар, унга қўйиладиган замонавий талаблар, касбий таълим фаолиятини ташкил этишда самарали шахслараро муносабатлар усуллари ва коммуникатив толерантликни ўргатиш, конфликтлар ва уларнинг олдини олиш йўллари, касбий таълим фаолияти психодиагностикаси, касбий педагогиканинг илмий-назарий ва амалий асослари, умумий масалалари, касбий таълим тараққиёти, Ўзбекистонда профессионал таълим истиқболлари, хорижий давлатларнинг илғор таълим тажрибаларидан фойдаланиш имкониятлари, касбий таълим жараёнини ташкил қилиш хусусиятлари билан танишиши; касбий сўниш, касбий деформация ва касбий деструкцияларни бартараф этиш ва олдини олишнинг психологик методика ва усулларини ўргатишдан иборат.
Модул бўйича талабалар билими, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	<p><b>Талаба тасаввурга эга бўлиши керак:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Касбий психологиянинг умумий масалалари;</li> <li>Касбий фаолият самарадорлигини таъминлашда шахсий фазилатларнинг роли;</li> <li>Касбий таълим фаолияти ва унга қўйиладиган замонавий талаблар;</li> <li>Касбий таълим фаолиятида шахслараро муносабатлар;</li> <li>Касбий таълим фаолиятининг психологик муаммолари;</li> <li>Касбий педагогиканинг илмий-назарий ва амалий асослари,</li> </ol>

- касбий таълим тараққиёти, Ўзбекистонда профессионал таълим истиқболлари;
7. Хорижий давлатларнинг илғор таълим тажрибаларидан фойдаланиш;
  8. Касбий таълим жараёнини ташкил қилиш.

**Талаба билиши шарт:**

1. Касб танлаш, касбга йўналтириш, касбий камолотга доир психологик концепциялар;
2. Касбий фаолият самарадорлигини таъминлашдаги шахсий фазилатлар, унга қўйиладиган замонавий талаблар;
3. Касбий таълим фаолиятини ташкил этишда самарали шахслараро муносабатлар усуллари;
4. Касбий таълим фаолиятининг психологик муаммолари, конфликтлар ва уларнинг олдини олиш йўллари;
5. Касбий таълим фаолияти психодиагностикаси;
6. «Таълим тўғрисида»ги Конун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган мақсад ва вазифалар, Ўзбекистонда профессионал таълим тизимида ислоҳотлар;
7. Ривожланган давлатларнинг илғор таълим тажрибаларини ва ЎзРнинг касбий таълим тизимида хориж тажрибаларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш;
8. Касбий таълим назарияси, касбий таълимда ўқитишни ташкил қилиш хусусиятлари.

**Талаба бажара олиши лозим:**

1. Касбий фаолиятда педагогик-психологик билимлардан фойдаланиш, муҳим касбий ва шахсий сифатлар, қобилиятларни шакллантириш;
2. Касбий таълим фаолиятини ташкил этишда самарали шахслараро муносабатлар усулларидан фойдаланиш, коммуникатив толерантликни шакллантириш;
3. Касбий таълим фаолиятида юзага келадиган конфликтларни тўғри англай олиш, низоли вазиятларда мақбул позицияни танлай олиш, уларни конструктив ҳал эта олиш;
4. Касбий сўниш, касбий деформация ва касбий деструкцияларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда олдини олиш;
5. Касбий таълим фаолиятининг психодиагностик методикаларини қўллаш, психологик тренинг машғулотларини ташкил қилиш;
6. Касбий таълим машғулотларини режалаштиришда таълимтарбия усуллари ва дидактик воситаларни тўғри танлай олиш;
7. Касбий таълим мазмунини белгиловчи меъёрий хужжатлар билан ишлай олиш;
8. Мавзу мақсадига кўра турли хил назорат вазифалари ва топширикларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллай олиш.

Таълим бериш усуллари	Маъруза, амалий машғулотлар.
Таъминот	видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гурӯхли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар, органайзерлар ва бошқалар.

### Ўқитиш натижалари:

#### Модулни якунлаганда талаба билади:

1. Касбий психологиянинг умумий масалалари;
2. Касбий психологияда шахс муаммоси;
3. Касбий таълим фаолияти психологияси;
4. Касбий таълим фаолиятида шахслараро муносабатлар;
5. Шифокор-педагог фаолиятининг психологик муаммолари;
6. Касбий педагогиканинг илмий-назарий ва амалий асослари, касбий таълим тараққиёти, Ўзбекистонда профессионал таълим истиқболлари;
7. Хорижий давлатларнинг илғор таълим тажрибаларидан фойдаланиш;
8. Касбий таълим жараёнини ташкил қилиш.

#### Модулни якунлаганда талаба бажара олади:

1. Касбий фаолиятда педагогик-психологик билимлардан фойдаланиш, муҳим касбий ва шахсий сифатлар, қобилиятларни шакллантириш;
2. Касбий таълим фаолиятини ташкил этишда самарали шахслараро муносабатлар усулларидан фойдаланиш, коммуникатив толерантликни шакллантириш;
3. Касбий таълим фаолиятида юзага келадиган конфликтларни тўғри англай олиш, низоли вазиятларда мақбул позицияни танлай олиш, уларни конструктив хал эта олиш;
4. Касбий сўниш, касбий деформация ва касбий деструкцияларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда олдини олиш;
5. Касбий таълим фаолиятининг психодиагностик методикаларини қўллаш, психологик тренинг машғулотларини ташкил қилиш;
6. Касбий таълим машғулотларини режалаштиришда таълим-тарбия усуллари ва дидактик воситаларни тўғри танлай олиш;
7. Касбий таълим мазмунини белгиловчи меъёрий хужжатлар билан ишлай олиш;
8. Мавзу мақсадига кўра турли хил назорат вазифалари ва топширикларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллай олиш.